

Ҳайитбой  
Абдусодиқ

---

# ЁРУҒЛИК ИСТАГИ

Шеърлар

Тошкент  
«Ёзувчи» нашриёти  
1990



**Абдусодиқ Ҳайитбой.**

Ёруғлик истаги: Шеърлар.— Т.: «Ёзувчи»  
нашриёти, 1990.—48 б.

Қуёш анланган кун — ёруғликка интилиш туйғуси  
уйғонади. Ёруғлик энг ниҳон орзуларни оловлантириб  
манзилига элтадиган йўл. Ҳайитбой Абдусодиқ ана шу  
йўл бошида. Унинг шеърларининг нафислиги ҳам, баъ-  
зан ғализлиги ҳам шундан. Аммо кўнглимиз тўқ. Ёш, ис-  
теъдодли шоир ўз манзилига етади...

**Абдусадик, Ҳайитбай.** Стремление к све-  
ту: Стихи.

Уз2

А 4702620202—111  
М 352 (04) — 90 38—90

ISBN 5-635-00519-5

© Ҳайитбой Абдусодиқ,  
1990 й.

## КЕНГЛИКЛАРДАН...

Мунаққид не айтса, уққанин айтсин,  
Боғланиш тополмасин сатрларимдан  
Ва унда учрасин на қофия, на вазн —  
Мен кенгликлар ҳақида ёзаман,  
Уларни кенгликларда ўқийман.

Шаҳарда тор бўлиб қолган, ҳой дўстим,  
Бир ҳаво зарби-ла хитоб қил, чақир  
Ва мен афсонавий Гирот мисоли  
Кенгликлардан олиб келаман,  
Сени кенгликларга элтаман.

Хуш таъмли булоқлар топмоқда завол,  
Чўкиб бораётир кунма-кун Орол  
Ва лекин орқамда ер бор, халқим бор:  
Мен кенгликларга чекинаман,  
Мен кенгликларга сиғинаман.

Мунаққид не айтса, уққанин айтсин..  
Бу сунъий гулларни ҳидламайман мен,  
Ҳолбуки бу олам ниҳоятда кенг:  
Мен кенгликларга суюнаман,  
Мен кенгликларда суюнаман.

## АМУДАРЕГА

*Узоқ вақт мобайнида 1986 йили  
Оролга биринчи марта Амударё ор-  
қали сув етиб борди.*

Амударём! Шабаданг сарин..  
Амударём! Ҳамма берар тан:

Лойқа сувинг юз бора ширин  
Пойтахтларнинг газли сувидан.

Амударём! Қари Жайҳуним —  
Оқ тоғларнинг кўз ёши — дури,  
Сен туфайли ёруғдир куним,  
Сен жонимсан, кўзимнинг нури,

Амударём... сершиддат ва дов  
Аждодларим хотиридурсан.  
Ёв йўлига бўлолгансан ғов,  
Ўз элимнинг ботиридурсан,

Тарам-тарам тўлқинлар аро  
Сузаман то тойгунча ҳолдан,  
Оқимингга олиб кет — зеро  
Нари борса, чиқгум Оролдан,

Соҳилингда хаёлга толдим  
Ойдан ёғду таралган пайти...  
Билмам, қайси китобдан олдим  
«Баҳри зиё» деган бу байтни,

## ЎЗБЕКИСТОН

*(Қасида)*

Атлас рангларида барқ урар чирой,  
Мовий гумбазларда қубба, ярим ой,  
Ўн миллион дўппили яшайдиган жой,  
Кўз очиб кўрганим — Ўзбекистонсан!

Бўғотга қурилган қалдирғоч ини,  
Белбоққа осилган пичоқнинг қини,  
Кўм-кўк дарахтларнинг хушбўй тўлқини,  
Фахрия қилганим — Ўзбекистонсан!

Бир этак болали ўзбекнинг уйи,  
Бошида янграйди «Тановар» куйи,

Карнайли, сурнайли фаровон тўйи,  
Завқланиб юрганим — Ўзбекистонсан!

Қўш саҳро ораси — кўклаган йўлка,  
Боғлари олдида жаннат бир кўлка,  
Минг қуллуқ, толемга битмиш шу ўлка,  
Нурларга тўлганим — Ўзбекистонсан!

Йўлингга садаға ашъор — фардларим,  
Бўйнимга илинган тумор — дардларинг,  
Киприкларим артсин ғубор-гардларинг,  
Бўлганча бўлганим — Ўзбекистонсан!

Ҳеч ким қўлламайди мени сен каби,  
Ҳеч ким англамайди сени мен каби,  
Сени «сен» атайман худди тенг каби,  
Мен сенсиз ўлганим — Ўзбекистонсан!

## **БЕРДАҚНИНГ ЎЗ ХАЛҚИГА ВАСИЯТИ**

Дунёнинг ярмини оралаб келдинг,  
Шу тупроқ, шу элни қоралаб келдинг,  
«Ниҳоят бир қўним бор-а» лаб келдинг,  
Қорақалпоқ, энди кўчма бу юртдан.

Бу чексиз заминда кенглик топмадинг,  
Гоҳ ёқалик, гоҳи енглик топмадинг,  
Ерга тенг саналдинг тенглик топмадинг,  
Қорақалпоқ, энди кўчма бу юртдан.

Орқангдан оқарган Асқар тоғ қолди,  
Идиль, Ейиқ қолди, Дашти Қипчоқ қолди,  
Ота юрт Туркистон — у йироқ қолди,  
Қорақалпоқ, энди кўчма бу юртдан.

От бошини буриб Оролга чиқдинг,  
Жайхунни ёқалаб зилолга чиқдинг,  
Қора тунда тўлин ойга йўлиқдинг,  
Қорақалпоқ, энди кўчма бу юртдан.

Сариқ қумга тикдинг қора уйларинг,  
Осмонни бўзлатди нола-куйларинг,  
Охир макон этдинг Аму бўйларин,  
Қорақалпоқ, энди кўчма бу юртдан.

Шу маконни асра — боринг сотсанг ҳам,  
Бахмал эмас, бўз ёпиниб ётсанг ҳам,  
Тоғлардаги харсангтошдек қотсанг ҳам,  
Қорақалпоқ, энди кўчма бу юртдан.

## ШЕЪРИЯТДА ТЕТАПОЯ ҚАДАМЛАР

Ҳаётида илк бор  
интилса гўдак...  
бир қадам ташласа,  
икки қадам,  
учинчи қадамин ташласа...  
кейин йиқилса,  
йиғласа гўдак.

Шунда...

кимдир кулса бошини чайқаб,  
кимдир турса беун, бепарво  
яна кимнингдир ўйламаган сўзлари учса лабларидан:  
«Сенга ҳали юришни ким қўйибди... сирпанчиқ  
йўлларда?»

Биламанки, қийин бўлар,  
Эҳ, қийин бўлар, бу гўдакнинг юриб кетиши.

## ИККИ МУАЛЛИМ

Оқ байроқлар сайли —  
биринчи сентябрь —  
алвон гуллар сайли...  
Биринчи сентябрь дунёда энг кўп одамни  
бири-бири билан таништирадиган кун.

Ҳаётида илк бор мактабга  
бораётган болакай,  
папкангни ўнглаб ол,  
биринчи дарсдан кечикма тагин,

Бугун сен  
бўлгуси синфдошларингни  
кўрасан,

Бугун сен  
сендан дарс сўрайдиган  
сенга баҳо қўядиган  
муаллиминг билан  
танишасан.  
Сен шошил. Чоп тезроқ.

Зотан...  
ўргатганларини  
сендан сўрамасдан  
сенга сабоқ берадиган  
Муаллим ҳам бор ҳали олдингда  
Унинг номи катта ҳаётдир укам.

## ИНСОН

Қўшиқ айтсам булбул тинглаб шод бўлар,  
Тор янгратсам қайғу-алам ёт бўлар,  
Шеър ўқисам борлиқ қотиб — мот бўлар,  
Аҳмадман, Чангийман, Машраб — нурқадам,  
Яхшиман, ёмонман, одамман — одам.

Наъра тортсам арслон титрар сасимдан,  
Ҳуркиб қочар йўлбарс бўйи-бастимдан,  
Дуч келса гар фил ҳам чўчир аслимдан,  
Широқман, Маҳмудман, Алпомиш Рустам,  
Яхшиман, ёмонман одамман — одам.

Балиқлар етмаган теранда суздим,  
Самовий баҳсда қушлардан ўздим.

Тирик вулқонларнинг жадвалин туздим,  
Қистоман, Юрийман, Хорунман — ўктам,  
Яхшиман, ёмонман, одамман — одам,

Икки дарё қалбим бўйлаб оқади,  
Гоҳ ўйламай, гоҳи ўйлаб оқади,  
Бир азалаб, бирда тўйлаб оқади,  
Завқийман, Турдийман, ғамлиман — беғам,  
Яхшиман, ёмонман одамман — одам,

## ТУРТЛИК

Юкингни кўтарсам, бўз норинг бўлсам,  
Чарчаган пайтингда мадоринг бўлсам,  
Танангда эзилиб кетсам ҳам, майли,  
Дардинг шифо топган ҳапдоринг бўлсам.

\* \* \*

Сен тепада туриб қарайсан:

Қирларга,  
    адирларга,  
    ботқоқларга...

Сен тепада туриб айтасан:

    «Нақадар гўзалдир бу ҳаёт».  
Айтасан. «Яшамоқ бу бахтдир, яшамоқ».  
Тепадан қарасанг ҳамма нарса  
    чиройли бўлиб кўринади:

Қир,  
    адир,  
    ботқоқ.

Тикансиз туюлар ҳаттоки янтоқ.

## ВАҚТНИ ДОРИ ДЕРЛАР...

Вақтни дори дерлар, вақт ўтса агар,  
Соғинч ҳам сўнармиш гулхан сингари,



Ундай бўлса нега сизларни, дўстлар,  
Кучлироқ қўмсайман вақт ўтган сари.

Эслайман дарсни ҳам билмасдан туриб,  
Фанларда «янгилик» очганларимиз,  
Домламиз олдида кўпириб, қуруқ —  
Аравани олиб қочганларимиз.

Гоҳида кўнглимиз тусарди ҳашам,  
Безардик энг қиммат ресторанларни.  
Тунлари таллашиб ётардик баъзан  
Моғор босиб кетган бурда нонларни.

Пахтада ошпаздан норози бўлиб,  
Шеър қилиб не гаплар айтган эдик биз.  
Макарон шўрвадан рангимиз сўлиб,  
Гупчакдек семириб қайтган эдик биз.

Ҳозир пахта терсам эслайман сизни,  
Сизнинг дийдорингиз қўмсар кўзларим,  
Эшитгим келади группадош қизнинг  
«Эгат олдим-қўйдим»,— деган сўзларин.

Ота юрт соғинчин туйгандик барча  
Чексиздек кўринган синов кунлари.  
Икки йил завқ берган бўлса ҳам гарчанд  
Жонга теккан эди пойтахт тунлари.

Ўқишлар тугади, тарқалдик уйга,  
Қишлоқ кездик мағрур — қадду қомат тик.  
Кейин... хатлар ёздик, чақирдик тўйга,  
Лекин келолмадик... жамлашолмадик.

Умримиз ўтмоқда зувиллаб мана...  
Сизларни ўйлайман соғинчга тўлиб,  
Қанийди ҳафтада тўрт соатгина  
Ўқисак ҳаммамиз жамулжам бўлиб.

## ҲОЛАТ

Ғалағовур тугаб,  
Сокин кунлар бошланди бирдан.  
Тўрт деворга асир бўлди  
Вужудим  
    кўзларим,  
        хаёлим манним  
Ва мен худди ипак қуртидек  
Урай бошладим ўзимни  
Уз ўйим-ла,  
Чарчадим, қаттиқ чарчадим.  
Кейин...  
бирдан англаб қолдим —  
Бу мақсадсиз ўтган кунлар экан  
Меним умримда.  
Ниманингдир интиҳоси,  
Ниманингдир ибтидоси  
Бўлган экан бу кунлар.

## БИР ОЙ ИЧИДА

Синглим бир гилам тўқиди  
    бир ой ичида,  
Мен бир ой касалхонада ётдим,  
Онам-отам бир ой ишладилар  
    автопаркнинг омборида,  
Укаларим бир ой пахта ўтадилар<sup>1</sup>  
    жазирама далада,  
Хотиним бир ой қатнади  
    менинг изимдан,  
Ўғлимни икки марта олиб борди  
    мени кўрсатгани.

---

<sup>1</sup> Қорақалпоғистонда пахта тани ўтайдилар. яъни кетмон ўрнига ўроқ ишлатишади.

Оралиқда  
Бир қариндошимиз вафот этди,  
  бора олмадим видолашмоққа  
Ва яна  
Бир йигит ўлди касалхонада  
  ўттиз ёшида  
Хотини, опаси йиғлаб чиқдилар,  
Овқат олиб келаётган  
  оналари олдилан.  
Онанинг қўлидан коса тушди,  
  синди чил-чил асфальтда  
Ва 27 ёшимда биринчи марта  
«Бенасиб қилмасин»  
  деган ҳикматнинг маъносини уқдим...  
Ҳафта ўтиб орадан  
«Пахтакор»нинг сафар ўйинини  
Тинглар эдик радиодан,  
Навбатчи врачнинг хонасида.  
Ютқазарди «Пахтакор».  
Машқи пастроқ эди Ахбор аканинг.  
Навбатчи врачдан сўраб келишди:  
— Бояги ўлган кампир...  
— Тўхта, шошма,— деди навбатчи,—  
«Пахтакор» ўйнаяпти, ахир...  
Келган ҳамшира эди,  
  давом этди гапида:  
— Бояги ўлган кампирнинг  
  қариндошлари...  
  Жаҳли чиқди врачнинг:  
— Э, ўлган ўлди-кетди!  
  Қўйиб тур!  
  Футбол кетаяпти, ахир!—  
Ваҳм босди мени бирданига,  
Туриб кетдим аста ўрнимдан  
Жойимга ётдим —  
Ва ухлай олмадим бутун тун бўйи.

Тун бўйи ўйладим, ўйладим —  
Асфальтга тўкилган овқат  
                    кўз олдимдан кетмади..  
... Бир ой ётдим касалхонада,  
Қимдир балиқ овига борди,  
Қимдир бозор айланди,  
Қимдир кўйлак тикдирди янги.  
Синглим гилам тўқиди,  
                    бир ой ичида:  
Бир томони оқ,  
                    бир томони қора...

\* \* \*

Мен Дурбекни ҳурмат қиламан —  
Навойини ўқимасдан туриб  
Ажабтовур шоир бўлгани учун.

Мен Бобурни ҳурмат қиламан —  
Хиндиларнинг юртида подшолик қилиб  
Туркигўй бўлиб қолгани учун.

Мен Машрабни ҳурмат қиламан —  
Замона кўтармайдиган гапларни —  
Иўлини топиб айтгани учун,

Бош эгаман Сўфизодага —  
Қобулнинг ҳашамли саройини ташлаб  
Ўз ватанига қайтгани учун.

Ихлосим баланддир, менинг Мир..  
Бўлди, бас!— дейман, тўхтаيمان.— Етади..  
Умримда кимларга ихлос  
                    қўйганлигимни ўйласам  
Ўзимга ҳурматим ошиб кетади..

## МУШКУЛ МАСАЛА

Сотувчи кула-кула

қайтимимни бермай қолади,  
Унга қараб, тушунаман,  
индамайман мен,

Чайқовчи бозорда

менга зарур нарсани  
беш баробар баҳосига сотади,  
Унга қараб, тушунаман,  
индамайман мен,

Такси ҳайдовчиси

латифа айтиб ўтириб,  
айланма йўллардан  
олиб борар мени манзилимга —  
унга қараб, тушунаман,  
индамайман мен,

Ва улар кечқурунлари

менинг ишдан қайтишимда  
лой сачратиб ўтиб кетадилар  
менинг эгнимга

Ўзларининг шахсий машиналарида.

Шу тарзда умрим —

қайтарилмаган қайтим бўлиб,  
эшитилган латифа бўлиб,  
эгнимга сачраган лой бўлиб,  
беш барабар арзонига кетмоқда  
ҳаёт бозорида.

\* \* \*

Кўзларим... Қараманг кўзларим,  
Кўзларим қараманг:  
Наҳс босган юзларга,  
Ерда ётган нонларга,

Тўкилган тузларга,  
Кўзларим қараманг... Кўзларим...  
Кўзларим кўр бўлинг кўзларим.

### КУЗ

Пахта, деб саҳарда сўкилар қавоқ,  
Пахта, деб тунлари юмилади кўз.  
Миллий луғатдаги ҳар сўздан кўпроқ  
Ишга солинади «пахта» деган сўз.

### ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ТЕРИМИ.

1982 йил

/  
Меҳмон чорламаймиз куз фаслида биз,  
(Айтмасдан келишса бизда не бийлик).  
Булутсиз осмонни тилаймиз ҳар кез,  
Ёмғирсиз бир ҳафта биз учун сийлик.

Баҳорда чигит-ла ниш отган илинж,  
Куз келиб айланар эзгу ниятга.  
Бир мавсум боғланар қайғу ва севинч,  
Ўзидан кучлироқ заруриятга.

Дағал чангаллардан момик пахтани  
Ажратиб олмоққа бошланади жанг.  
Қум босган гуллардек жувонлар тани  
Упа ўрнин тутар тўзиб ётган чанг,

Игитлар ўхшайди бамисли шерга,  
Болалар чопқиллар қумурсқа мисол,  
Қампир пахта терар чўмганча терга,  
Бир этак пахтага таянади чол.

Тўйни қолдиришар, тўйга вақт қани,  
Айнувчан — куз фасли, фурсат ганимат.  
Тириклар вақтини олиб ётгани  
Ҳатто ўликлар ҳам этмайди журъат.

Пичоқлар солинар чармқинларга  
Фанимлар сақламас бир-бирига кек.  
Ўзбекистон ўхшар ари инига  
Боларига дўнар ҳар битта ўзбек.

## ГАЙРИОДДИЙ ВОҚЕА

Кенг дала. Пахтазор. Уртада шийпон.  
Турфа хил кийинган ҳашарчи ёшлар.  
Кўчма клуб. Деворга қоқилган экран —  
Матода жонланар найзалар... бошлар...

«Ура» деб чопади милтиқли киши,  
Олдинда Оқсарой — кўркам ва рангин.  
Бу ёқда совуқдан хиёл жунжикиб,  
Ворислар кузатар боболар жангин.

Қора тун бағрини ёриб ўтар нур,  
Уқ тегиб йиқилар юлдузли шоввоз  
Ва бирдан тарақлар дастгоҳда недир,  
Шу асно йўқолар кинода овоз.

Чийилдоқ ҳуштаклар шийпонни тутиб,  
Сас учар:—«Ҳой, косиб... Этикдўз! Алкаш!..»  
Механик асабий... Аччиғин ютиб,  
Ун тўртлик калитин ахтарар яккаш.

Ниҳоят киночи шовқиндан гаранг,  
Аппарат оғзини четга буради:  
Кенг дала ёришар. Во ажаб, қаранг —  
Пахтазор оралаб Ленин юради.

## ЭРТАГА

Тақдирим асов от, унга бердим тан,  
Гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга қараб яшайман.  
Бугун исроф қилсам гурунчи, қаранг —  
Эртага битталаб териб ошайман,

Саробга дуч келган катта карвондай,  
«Лисонут тайр»да мунгли оҳ-воҳлаб,  
Рўёби абас, бир эзгу армондай,  
Турналар кетдилар биздан узоқлаб.

Ботин оқимларга борин топшириб,  
Наҳангсиз, чўртансиз тиниқ сув хоҳлаб,  
Тоғдай баланд қадрин яша ошириб,  
Бакра<sup>1</sup>лар кетдилар биздан узоқлаб.

Учраган гиёҳдан, ўтдан-ўландан,  
Хатарсиз манзил-у, макон сўроқлаб,  
Қисмат деб айрилиб даштдан — Ватандан  
Сайғоқлар кетдилар биздан узоқлаб.

О, толе! Кўп олдинг бизлардан, бироқ —  
Энг сўнгги илинжни қолганмиз сақлаб:  
... Турна-ю, сайғоқни этсанг-да, йироқ  
Фарзандлар кетмасин биздан узоқлаб.

## ҚАДИМ ВА КЕЛАЖАК

Дунёдаги ҳамма  
    йўллар айри  
Дунёдаги ҳамма йўллар  
    бир-биридан ажралиб  
        кетаётгандек туюлади  
                олдинга юрсам,

Дунёдаги ҳамма  
    йўллар тўгри

---

<sup>1</sup> Бакра—камёб балиқ тури.



Дунёдаги ҳамма йўллар  
бир-бирига қўшилиб  
келаётгандек туюлади  
орқамга юрсам.

## ҚУҚОНЛИК ТАНИШИМГА ЖАВОБ

Хўжайли Қўқон эмас, гапинг тўғри,  
Унда яшамаган амирлар, хонлар,  
Нодира, Фурқатлар чиққани йўғ-у,  
Лекин доим бўлган ҳассос шеърхонлар.

Пайровга нўноқмиз, бу фикрингга тан,  
Думбосди гаплар-ку, бизлардан йироқ.  
Адабий тилга ҳам эмасмиз ватан,  
Атала шевамиз — содда, япалоқ,

Жимжима гапларсиз кутамиз меҳмон,  
Тўпори, камгапмиз, лек танги, ўктам.  
Ҳатто ҳафталарча бевақт, бемезон  
Ота ўғли билан сўрашмайди ҳам,

Хўжайли Қўқон эмас, рост, бегумон,  
Чунки Хўжайлининг ўз тарихи бор.  
Қизлари кўрклидир гўё Нозлимхон,<sup>1</sup>  
Жалолиддин руҳи йигитига ёр.

Беписанд гапирма, у ер чекка,— деб  
Беруний бобомнинг кезган ерларин.  
Ҳу, анов тепага устурлоб қўйиб  
Ҳисоблаб чиққан у бутун ер шарин.

Искандар олмасдан тарих нўхтасин,  
«Авеста» ёзилган узоқ бир маҳал.

---

<sup>1</sup> Нозлимхон — маҳаллий афсона қаҳрамони, гўзал машуқа.

Зардўштий оламнинг шимол нуқтаси  
Антакия эди — ўтпарасти шаҳар.

Араблар эгарлаб сафар отларин  
Қулочин ёйганда жаҳонга ислом.  
«Шаҳри Антақия» ўрнига тағин,  
«Гаур қалъа» деган пайдо бўлган ном.

Темур ҳам танилгач жумла жаҳонга  
Бу ерлар жилоси кўнглин ғашлаган.  
Ўқсоқ оёғини тираб Қўқонга  
Арслон панжасини бизга ташлаган.

Тарих саҳнасида ўтди Шайбоқхон  
Чорвадор уруғлар султони бўлиб,  
Хўжайли номини олди Миздакхон  
Кўчманчи ўзбеклар макони бўлиб.

Чўлу дарё аро ўсган яқиним  
Баланд тутди доим номусни, орни.  
Ор ва номус дея қўзғолган халқим  
Қулатди Авазбий<sup>1</sup> осилган дорни.

Шоҳлар келиб кетди, султонлар ўтди,  
Ҳеч бири дунёга устун бўлмади.  
Яхшилар ҳам ўтди — ёмонлар ўтди,  
Лекин шаҳар қолди! Шаҳрим ўлмади!

Хўжайли Қўқонмас... лекин қўқонлик  
Ҳамзанинг хотири кўзга тўтиё.  
Унингдеклар сабаб дарз кетди хонлик  
Ва қайта таралди юртимга зиё.

Мана, сўйлаб бердим кечмишдан дoston,  
Тарихин бут эмас десанг ҳам, майли,

---

<sup>1</sup> А в а з б и й — 1916 й. январь ойидаги Хўжайли қўзғолони  
нинг раҳбари. Шаҳар марказида дорга осилган.

Лекин токи мавжуд бир Ўзбекистон,  
Хўжайли — Қўқондир, Қўқон — Хўжайли.

## РУҲИЙ КҮЧ ҲАҚИДА

*(Баъзи жисмоний камчилиги бор  
одамларнинг руҳий учстунлиги ҳақида  
бу кунги сўз)*

Қай Юлий Цезар кечқурунлари бўсалар оларди  
гўзал Клеопатранинг тотли лабларидан  
Ва ундан

кунига йигирма тўрт соат  
титраб туришарди  
буюк Римнинг  
эркин фуқаролари.

Тутқаноқ касали  
бор эди, аммо Цезарнинг.

Икки аср давомида  
ўзига кела олмай, зир қақшади

Яқин Шарқ,  
Эрон,  
Ҳиндистон

ва тагин бошқа «истон»лар  
Амир Темурнинг иродасидан.

Оёғи чўлоқ эди аммо Амир Темурнинг,  
Темурланг дердилар уни.

Асримиз бошида эса,  
бир ажойиб нотик  
Ўзи яхши талаффуз этолмайдиган  
«Р» ҳарфини титрата-титрата  
«Рус», «Россия», «революция»  
сўзларини

Абадий киритиб қўйди  
жаҳон қомусларига.

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ СУЗИ

*(1219 йилда Чингизхон... хасис, қўрқоқ, истеъдодсиз ҳукмрон бўлган Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг давлати худудига бостириб кирди... Жалолиддин шоҳ бўлди. У ҳам халққа ишонма... Кавказга босқинчилик мақсадида ҳужум қилиш билан шуғулланарди.  
СССР тарихи. Тошкент, 1981 йил, 130-бет)*

Айт нима қилардинг, бир кун эрталаб  
Юртингни босишга қаттол душманлар,  
Еринг топташсалар, борингни талаб,  
Халқингни қул қилиб сотишса улар.

Айт, нима қилардинг, чарогон кунинг  
Қоронғу кечага айлантирса ёв.  
Таҳқир айласалар сизинг дининг  
Муқаддас эркиннга солишсалар чов.

Айт, нима қилардинг Жаҳонгир отанг  
Баногоҳ хатога йўл қўйса бир кун.  
На бирор дўстингдан кўрмасанг ёрдам,  
На бирор қўшнингдан чиқмас бўлса ун.

Жим турар эдингми, солардингми дод,  
Атрофда бўлмаса бирор тиргаинг.  
Уғлингни сўйса-да, қийиқ кўз жаллод  
Итига ташласа унинг юрагин,

Иўқ!!! Мен дод солмадим, бекор турмадим,  
Қўлим қилич қилдим, муштимни қалқон..  
Аммо ўз юртимни ёвга бермадим —  
Чингизнинг бўйшига ирғитдим арқон.

Гоҳи голиб келдим, баъзан ҳолим танг,  
Бироқ тиз чўкмадим, чекмадим фарёд.  
Ахир мен жанг қилдим — йигирма йил жанг,  
Наҳот эсламассан келажак авлод!

Эрк учун эр йигит жанг қилар кун-тун,  
Эрк — дея жаҳд этган асло бўлмас кам.  
Ҳайҳотки, «қўрқоқ», деб аталса бир кун,  
Темур Малик каби сафдошларим ҳам,

Бир келдим дунёга, шон билан кетдим,  
Қўрқоққа ҳеч қачон халқ аза тутмас.  
Тарихни бировлар бузиши мумкин,  
Бироқ халқим мени мангу унутмас.

## **УЛУҒБЕК УЛДИРИЛГАН ТУН**

Тун бундай эмасди эллик йил олдин  
Юришлар қилганда ёвқур саркарда.  
Омад юлдузлари олишмасдан тин  
Чироқ бўлишарди унга сафарда.

Тун бундай бўлмади, эллик йил кейин  
Навий битганда нафис газаллар.  
Бир-бир пайдо бўлиб, чарақлаб, сокин  
Мўралар эдилар кўкдан гўзаллар.

Тун шундай кечдики, худди ўша кун  
Кўкда ёлғиз ойнинг кўзи лўқ эди.  
Бир ваҳшат эдики, Осиёни тун  
Осмонда битта ҳам юлдуз йўқ эди.

## **МАХТУМҚУЛИ**

Минг гам бўлса бир омаддан не фойда?  
Ҳарж тўлмаса, даромаддан не фойда?  
Кўрмай боссанг йўлнинг даги тиканни,  
Юз афсус-у, надоматдан не фойда?

Булутли тун осмонда ой балқирму?  
Залворли тош сувда хасдек қалқирму?  
Кишанли қул яшар... яшаб ёлчирму!!  
Миннати бор саховатдан не фойда?

Ҳаммага ҳам берилган бир жон эрур,  
Қай бир ит егани ёгли нон эрур,  
Қимлардир оч, юрак-бағри қон эрур,  
Бундай кунда адолатдан не фойда?

Олам тарқоқ, ҳар ким юрар бахти деб,  
Заҳмат чекиб кимларнингдир тахти деб,  
Мен айтурман бирлашмоқнинг вақти деб,  
Халқ бўлмаган тумонатдан не фойда?

Қувват борда оташ байтлар битарман,  
Дўстимни шод, ёғийни хор этарман,  
Ё бўлмаса бошим олиб кетарман,  
Қўнгил хаста, табобатдан не фойда?

### **ОЙНАНИНГ АЙНИШИ**

Шабнамдек шаффофлик унга эди хос,  
Унинг касби эди, эзгулик халос,  
Кумуш пуркаб, беришди қора бўёқ,  
Пайдо бўлди зар кўзгу — масхарабоз.

### **ҚАФАСДАГИ ҚУШ**

Нега юввош тортдинг, қафасдаги қуш  
Ё бошинг устида сездингми хатар  
Ёки курашмоққа тугадими куч  
Ё жонга тегдими асаб қайрашлар?

Нега бўйин эгдинг, қафасдаги қуш,  
Нега зўр бермадинг яна бир сафар?  
Наҳот эрк ҳақида орзуларинг пуч,  
Наҳот энди абас эркин яйрашлар!

Нега руҳинг сўник, сен ахир мағрур —  
Зор ахир йўлингда не паривашлар.  
Оғудан синдими сендаги ғурур  
Ёхуд мавҳ этдими дон-дун айлашлар.

Сени сийлашади қўлда дон тутиб,  
Бесабаб эмасдур бу авайлашлар.  
Қўлдан дон емоққа қолсанг кўникиб,  
Изсиз йўқолади дардли сайрашлар.

### **ХОТИРА**

Жуфт кўзлар бор эди,  
йўқолди.  
Ундан не қолди?  
Жуфт қўллар бор эди,  
йўқолди.  
Ундан не қолди?  
Бир армон бор эди, йўқолди.  
Ундан не қолди?  
Бир инсон бор эди,  
йўқолди.  
Ахир не қолди?!

### **АҒОНИСТОНГА КЕТАЁТГАН АСКАРНИНГ СЕВГИЛИСИГА АЙТГАНЛАРИ**

Кетаяпман узоқ сафарга,  
Қуёшдан ҳам туриб вақтлироқ.  
Гар кузатсанг эрта саҳарда,  
Одам йўқдир мендан бахтлироқ.  
Агар мендан илинжинг бўлса —  
Кетаётган йўлимга қара,  
Уқилмасдан севги байтлари,  
Синов тушди бизнинг орага.  
Айрилармиш ҳижрон пайтлари  
Пуч-пучакка, сара-сарага.  
Қачон қалбинг соғинчга тўлса —  
Менинг кетган йўлимга қара.

Иккимизга ҳам қийин, лекин  
Йўли бошқа бўлар йигитнинг.  
Сенда эса энди атайин  
Иши бўлар ҳар битта итнинг.

Гамдан кулча юзларинг сўлса,  
Менинг келар йўлимга қара.

Умид қил ва унутиб кетма,  
Мен келаман қайда бўлмайин.  
Фақат менга хиёнат этма,  
Қайтиб келиб куйиб ўлмайин.

Ҳар тонг, ҳар шом, кунда — кунора  
Менинг... Менинг йўлимга қара.

## **ЭСКИ ВА ЯНГИ ЙИЛЛАР ОРАЛИҒИДА**

Тарихга йўл олган йилнинг этагин  
Кўмаётган пайтда бирдай қор уни —  
Оралиқ ўн минут кўникмоқ учун,  
Кузатмоқ — кутмоққа эски янгини.

Эски йил кетмоқда, кетиш олдидан  
Қўлимга тутқазар оппоқ бир қоғоз.  
Ҳар йили бўлгандек, мана, бу йил ҳам  
Ишонч қолдирмоқда у менга мерос.

Нурли сукунатда балқиб туради  
Оппоқ тароватли ойдин бир ишонч.  
Уфурган қуюндек дилга уради  
Ва унга бағишлар бир олам қувонч.

Софликка чўлганган она заминнинг  
Момуқ поклигига ястангим келар,  
Ёғаётган қор ҳам — инсонлар қалби  
Қордек оқлигидан гувоҳлик берар.



## ЯШИЛ ЙЎЛКАДА

Тенг юриб борамиз иккимиз танҳо  
Ям-яшил йўлкадан фаввора сари.  
Қўк ўпар дарахтлар шохлари аро  
Тўкилар қуёшнинг танга нурлари.

Бу қандай жозиба, қандай ажиб тус,  
Табиат кўркини кўз-кўз қилган чоқ.  
Ортиқча туюлар ҳар қандайин сўз,  
Бир ўйга чўмаман тонгдайин оппоқ.

Фусункор тасвирнинг домига тушиб,  
Жимгина бораман хаёлга толиб...  
Берган саволларинг ҳавода учиб,  
Ҳавода сўнади жавобсиз қолиб.

Қўлимдан силтайсан... Кўзларда гина...  
Шу йўсин отилар кўксимдан бир ун:  
— Дунё ташвишларин қўйгин жонгинам,  
Илоҳий ҳисларни қўзғайлик бу кун!

## ДИЛДОР ИСМЛИ ҚИЗГА ҲАЗИЛ

Пари, чиройинг бунча бисёр экан,  
Исминг жисмингга лойиқ Дилдор экан,  
Бироқ нетай — битта ўнич бермадинг,  
Яхшисану кўнглинг бир оз тор экан.

\* \* \*

Ялтирайди қора бурчакда  
иблис кўзидай  
сигарет чўғи.

Эшитилар...  
 анҳор сувида  
 дайди итларнинг шапиллаши  
 (ёруғ тунда қора кўланка.)  
 Кўринади кулранг осмонда —  
 якка чавандоз —  
 қуюқ тусли булут,  
 Эшитилар... оғир ҳавода  
 севишганлар  
 шивирлаши...  
 (ёруғ тунда бир жуфт кўланка).  
 Сезилади карахт туннинг  
 оғир тўлғоғи —  
 оқарган чехра  
 Эшитилар...  
 намчил гулларнинг  
 нозик ва нозик  
 хўрсиниш — оҳи  
 (ёруғ тунда рашк овози.)

## ДАМ ОЛИШ УИИДА ОХИРГИ КУН

Бўлди. Етар. Иплар узилди,  
 Бошқа бўлмас сирли оқшомлар.  
 Чўлпон бизга ҳамроҳмас энди,  
 Шивирламас бизга ишкомлар.  
 Ҳамхоналар энди ўқраймас,  
 Қоровулдан эшитмаймиз гап.  
 Энди бизлар чеккароқ жойда  
 Утирмаймиз икков ўт қалаб.  
 Вақт ўтибди! Айрилиқ яқин...  
 Вақт шодликка қилмаскан токат.  
 Қутар бизни ҳаммадан муҳим  
 Уй олдида бурч ва салоқат.  
 Хуш қол, жоним! Бошинг қўясан,  
 Ҳўл бўлади кўйлагим енги.

Ёнимиздан лоқайд ўтишар  
Йигит-қизлар... сен ва мен тенги.

## МАЖБУРИЙ ЭРКИНЛИК

Агар хоҳласам, ҳозир  
сариқ туфлигимни кийиб,  
кинога тушаман, кинога.

Агар хоҳласам, ҳозир  
катта кўчадаги таниш қизларни  
музқаймоқ билан сийлайман.

Агар хоҳласам, ҳозир  
шўх қўшиқлар айтаман  
овозим борича.

Агар хоҳласам...  
Лекин қишда музқаймоқ ейдиган  
қизларни ёмон кўраман асли  
Ва ёлғиз ўзим боролмайман  
ўша кинога.

Қўшиқ эса...  
Кўрганмисан ҳеч қачон  
Ёрсиз кишининг

Шўх қўшиқлар  
Куйлаганин  
Баланд овозда.

\* \* \*

Бу кунлар унутдим лабинг тотини  
Ғамзангни унутдим — нима ҳам дерман?  
Сен энди кимнингдир пари хотини,  
Энди мен кимгадир папоҳман — эрман!

Ҳайратни тарк этган файласуф монанд  
Куйлардан кечаман — ўкинч ўксиксиз.

Қимнинг хаёлини ишқ этмаган банд,  
Қимлар у севолган холис, тўсиқсиз.

Шу эрур дунёнинг азал матлаби,  
Нимаки абадий қадр қам баланд.  
Изма-из тугилган эғизак каби,  
Нюёб нарса экан тургун муҳаббат.

Ишқ ўтди... Заминга сигмай қолмадик,  
Синовга дош бердик кўксимиз кериб.  
Яхши-ёмон гапни огир олмадик,  
Ҳануз сўрашамиз қўлга-қўл бериб.

Нималар кечганди... Унутдир бари  
(Илк дарднинг хоотири қайга стади?!)  
Ажабки, баъзи пайт ёрим лаблари  
Сенинг лабларингга менгаб кетади.

### СУВРАТ

Қўлларим сенинг елкангга  
ташланган бўлса, бу —  
Қўлларим ҳамон  
елкангда турибди  
деган гап эмас,  
Бу бир ўтмиш,  
бир суврат, холос.  
Юзларим сенга ўгирилган  
бўлса, бу  
Ҳамон сенга қараб  
яшайпман  
деганим эмас,  
Бу бир ўтмиш,  
бир суврат холос!  
Вақт сарғайтирган  
суврат шунчаки.

## ШОИРНИНГ БИР КЕЧАСИ

(ҳазил)

Шоир бошламоқчи бўлди ёзишни:  
Айни пайт ўғилча йиғлади қолди.  
Шоир қаттиқ босиб тишига-тишни:  
«Жим» дея ўғлига қўлин ўқталди.

Шоир бошламоқчи бўлди ёзишни:  
Шу чоқда Олапар вовуллаб қолди.  
Шоир икки сакраб олиб калишни  
Аямай кучукнинг бўйнига солди.

Шоир бошламоқчи бўлди ёзишни:  
Тўсатдан чироқлар ўчди-ю, қолди.  
У эса аламдан чангаллаб сочин  
Шам ёқиб қайтатдан хаёлга толди.

Шоир бошламоқчи бўлди ёзишни:  
Лек илҳом париси учди-йўқолди.  
Бечора сўкди-ю, баҳорни, қишни:  
Диванга жой солиб ухлади-қолди.

### ҲОЛАТЛАР

#### 1. Кар кишининг ҳолати.

Ҳайдовчи қонда бузган одамни:  
Чорраҳа олдида уриша кетди.  
У одам кар эди, қаёқдан билсин:  
Валайкум — ассалом, деб жавоб этди.

#### 2. Пулдоннинг ҳолати.

Мушукнинг оёғин кемирар сичқон,  
У эса турарди чиқармай овоз.  
Гапларим ёлғонмас, дўстгинам, инон,  
Мушук пулдон эди — ичида қоғоз.

### 3. Тулкининг ҳолати

Бирдан ўсиб кетди тулкининг бўйи,  
Оёғи тегмасдан ҳаттоки ерга.  
Ҳеч ким билмас эди сирини унинг —  
Катта қарз берганин қўшниси шерга.

### 4. Мастнинг ҳолати

Бақириб гапирар карлар кўпинча,  
Уларнинг фикрича ҳамма кар эмиш.  
Маст одам оёқда зўрга турганча  
Заминга «Бир нафас тек тургин» дермиш.

### 5. Тутқун қушнинг ҳолати

Ёвқур ва мағрур бургут эди — учди,  
Бир парча гўшти деб тузоққа тушди,  
Эркинликни қўмсаб кўп уринди, лек  
У фақат тушида фазони қучди.

### 6. Ошиқнинг ҳолати

Нигоҳинг жисмимга қадалган маҳал,  
Дармоним қолмайди — мастман ё касал,  
Сабаб, жоду кўзлар мени баҳолаб,  
Ҳаётим давомин этишмоқда ҳал.

### ЖАНГ ОЛДИДАН

Асабларим чарс-чарс чатнаса,  
Мушакларим титраса дир-дир,  
Қўрқоқликдан эмас бу асло,  
Бунга сабаб ички ғазабдир.

Оппоқ бўлиб оқарса юзим,  
Учиб турса кипригим пир-пир,  
Номардликдан эмас бу асло,  
Шижоатим бунга сабабдир.

Ғанимимга тикилсам узоқ  
Ва ёш қалқса кўзимдан бир-бир.  
Йўқ! Кучсизлик эмас бу асло,  
Бунга сабаб кучли нафратдир.

## ТУШ

Саккизоёқ, жирканч бир маҳлуқ  
Судрар мени унгури томон.  
Тилларим лол, танда дармон йўқ,  
У қонимни сўради ҳамон.

Бақираман — унсиз зорлайман.  
Сув тагида туриб терлайман.

Зангор кўк, кўк ялпиз, гуллар — оқ,  
Ол олма, яшил йўсин — бари,  
Бир ажиб завқ берар, ҳаммаёқ —  
Ҳасан Ҳусан ёйи сингари.

Руҳим учар, кўкка етади,  
Чексизликка сингиб кетади...

## УСМОН НОСИРНИНГ СЎНГГИ ЕЗИ

Кун ўтади,  
ой ўтади,  
йил ўтади —  
Белгиланган бир чизиқ бўйлаб  
Сен кутасан,  
мен кутаман,  
у кутади —  
Узоқдаги яқинни ўйлаб.  
Узун-узун  
сим тўсиқлар  
тортилади

Белгиланган бир чизик буйлаб.  
 Қаро-қаро  
     кўзим бу кун  
     зор қилади  
 Кишанланган эркини суйлаб,  
 Утлар ёнар  
     сувлар оқар,  
     соқчи юрар  
 Белгиланган бир чизик буйлаб,  
 Қуёш порлар  
     ва музлатар  
     ёш юракни  
 Таъқиқланган ер ҳақда куйлаб.  
 Дардим қолар,  
     умид қолар,  
     дил ўртанар.  
 Уртамизда тиканли чизик  
 Кураш қўмсаб,  
     яшаш қўмсаб  
     ўтгим келар  
 Таъқиқланган чизикни бузиб.

## БЕРУҒЛИК ИСТАГИ

Бу тун ишонмайман кўзларимга мен,  
 Бу тунда кўринмас кўкранг, яшилранг,  
 Бу тун сезилмоқда соч бўлиб қамчин,  
 Тоғдек туюлмоқда бир бўлак харсанг,

Бу тунда бойўғли — ягона ҳоким,  
 Вайронада урар мудҳиш қаҳқаҳа.  
 Бу тунда ҳавода кезади ваҳм,  
 Кўзларим тўсмоқда қоп-қора наҳанг.

Бу тун ишонмайман кўзларимга мен...  
 Бу тун тупураман ҳаққа, ноҳаққа.



... Қуёш нури сал олдинроқ тушсин деб;  
Бошимни узатиб ётаман Шарққа,

## **ЙУЛДА ВАФОТ ЭТГАН ШОИР ХОТИРАСИГА**

Яна...

яна кетди орамиздан  
кўпимизга қадрдон бир киши..

Яна...

яна томди бир томчи қон  
Фаластиннинг доғли кўксидан.

Муин Бсису...

Шаҳсан таниш эмасдим,  
Кўрмагандим ҳеч қачон.  
Лекин сезардим, ҳис қилардим;  
«ассалом» десам

Маъносини тушунишини,

Муин Бсису...

ишда;  
хизматда;  
йўлда,  
ҳаракатда вафот этган  
буюкларнинг биринчиси эмас у.

Зеро...

чақмоқлар кўпинча  
ҳавода сўнади ахир.

Муин Бсису!!!

Бекор кетмас чаққан ёлқининг;

Биламанки, узоқ булутлар ортида

Куч йиғмоқда ҳали талай яшинлар?

## **ЕРДА ЯШАШ УЧУН КУНГИЛНИ ТУҚЛАБ...**

Ҳали кўп жойларда уйқулар ҳаром

Гўдак йиғисмас — ўқлар сасидан,

Ҳали кўп қалблар бор — тунлар беором  
Қаттиққўл нозирлар силсиласидан.

Ялтироқ шишага алданиб қолиб,  
Номуси булганган халқлар кўп ҳали.  
Ўз ўрнин тополмай толедан нолиб  
Адаш бўлиб юрган ҳақлар кўп ҳали.

Ҳали кезиб юрар милтиғин ўқлаб  
Бировни қул қилмоқ этганлар хаёл.  
Ҳали тинчимоди жигарин йўқлаб,  
Тунлари хотирдан сас берган аёл.

Ҳали кўп ерларда қотиллик каби,  
Жиноят саналар қаттиқ йўталмоқ.  
Ҳали минг-минг очнинг нондир матлаби,  
Иўқ! Тўла бахт эмас инсон аталмоқ.

Ҳали яшнамади рўй-рост бу олам  
Ҳали йўл топмади нурга парвона,  
Ерда яшаш учун ҳалиям беғам,  
Гунг бўлмоқ зарурдир ёки девона.

## ТҮРТЛИҚЛАР

*Иброҳим Юсуповдан*

Замонам бор! Ойга, юлдузга учган,  
Атомнинг қудратли сирларин очган.  
Бу кун инсон топган талай кашфини —  
Махв эта олмасдан чунонан шошган...

\* \* \*

— Ой! Бу шуълани қайдан олгансан?  
— Куннинг менга тўккан сахий нуридан.  
— Қуёш! Ерқинликни қайдан олдинг сен?  
— Одамнинг одамга меҳри қўридан...

\* \* \*

Дунё кимлар учун — томошагоҳдир,  
Нархин тўлаб, келади-да, кетади.  
Дунё — ким учун тоғ, ким учун чоҳдир,  
Кимлар қурар, кимлар топтаб ўтади.

\* \* \*

Бизда баъзи «ақли тошган» кимсалар,  
Афандини содда билиб юради.  
Асли шулар — ўзи турган дарахтнинг —  
Шохларига ўзи болта уради.

\* \* \*

Уч кучук сақладим ёшроқ кезимда,  
Уч кўппак ит бўлди, жуссадор — серпай...  
Учови ҳам қошиб олди ўзимни —  
Энди ит сақласам мен тўнғиз қўпай!

## БОБИЛ МИНОРАСИ

### Пахта

Булут қовоғин уйса,  
Оғирлашиб кетасан.  
Қуёш кўринса,  
Бирам енгил бўласан...  
Бебурдлик ҳам эви билан-да...

### Уч чаноқ ўйини

Уч чаноғинг қани, Холажон!  
Камзулингда йўқ,  
Шимингни чўнтагида йўқ,  
Этигингдан чиқди, ана,  
Чўнтагинг тешилиб,

Этигинга тушиб кетибди  
уч чаноқ.  
Шундаям ўйнайверасанми яна?

### Ҳижрон

Кўчада изғириқ,  
ичда изғириқ,  
дунёда изғириқ  
Мунгли кўзлардан  
сизиб чиқар  
аччиқ таъмли сув,  
юзни қиздириб,

### Ҳар хил алданиш

Кўринганга дада, деб  
Қўл чўзаётган болакай  
билан  
Дераза ойнасига  
Ўзини ураётган қалдирғочнинг  
фарқи бор-да, бари бир

### Менинг олашим

Уйим,  
иш жойим,  
йўлимдаги  
кўкатлар,  
қуртлар  
Энсизгина тез оқар анҳор  
Ва мени ўраган юз эллик,  
икки юз одам  
Менинг олашим,

### Эшбика момо

Вақт ҳисобини йўқотибсиз,  
Эшбика момо,

Энди сиз бошқасиз,  
Мен ҳам бошқаман  
Энди мен соатлаб  
Ўтмиш ҳикояларни  
тинглай олмайман ахир.

Наҳотки соатимга  
тез-тез қараб қўйишим  
Ҳеч нарсани англатмаса?!

**Ҳар каллада...**

Зилзиладан уйғонишди  
эр ва хотини.  
Жонҳолатда югурдилар  
қўшни хонага.  
Эр сандиқни қучганича  
ташқарига чопди,  
Аёл эса болаларини,

**Ажаб**

Баъзилар дунёга устун бўлсам дер,  
Ҳолбуки беустун айланади Ер.

**Одамларнинг вазминлиги  
ва ернинг айланиши**

Ҳаммамиз ҳам вазминлашиб  
Узимизни босаверсак  
Ерга оғир тушмасмикан?!

**Кўникиш**

Биринчи бор «севаман»ни  
чин юракдан айтган эди у.  
Иккинчи «севаман»и бўғзидан чиқди,  
Кейингиларини тил учида айтиб  
қўяқолди шунчаки.

## Ҳавасли дунё

Улар қўшни эдилар:  
Сичқон каламушнинг  
катта жуссасини  
ҳавас қиларди.  
Қаламуш эса сичқоннинг  
кичик қорнини...

## Лоқайд одамнинг қалби

Унинг қалбидан  
самимиятни  
Заррабин тутиб қидир,  
заррабин!!!

## Ҳаёт калавасининг учи

Ҳаёт калавасининг  
Бир учидан тортиб  
Ўраяпмиз  
Бешала бармоққа.

## Замон ўзгарган

Ҳар бир ётоқхона —  
Бобил минори.  
Ҳар бир хонадонда  
Жамшиднинг жоми.

## Куч

Қуёш нури сувда синади,  
менинг нурим  
кўзларингда

## Ишончсизлик

Ҳамма ойналарни  
бир хил кўрсатади деб  
кафолат бера оласанми?

## Қонуният

Биз ўз ҳукмимизни  
ўқимасданоқ  
табиат ҳукмидан  
узилгай япроқ.

## Ҳисобда йўқ нарса

Афанди  
ўтирган  
супа.

## Ҳақиқат

Умр бир арғамчи,  
Тунлар бу алдамчи,  
Қўзлар ҳам алдамчи —  
Қўллардир ишончим.

## Яна бир ҳақиқат

Дарахт илдизидан қурийди,  
Балиқ бошидан сасийди.  
Қоқ кўксидан айнийди инсон.

## Буюклик масаласи

Бу юк — оғир юкдир,  
Бу юк — халқ юкидир.  
Бу юкларни кўтарганлар  
Буюк бўла оладилар.

## Қадрнинг нисбийлиги

Уй тўрида турибман деб  
гердайма, сандиқ,  
Сенинг қадринг ичингдаги  
нарсага боғлиқ.

## Қайтар дунё

Гап унинг ўзини ҳокисор тутиб  
Сендан қарз сўраб келганида эмас,  
йўқ-йўқ унда эмас.  
Гап сенинг уни жеркиб уйдан ҳайдаб  
чиқазганинда эмас,  
йўқ-йўқ бунда ҳам эмас.  
Бу ерда гап  
нимададир бошқа нарсада..

## Аввал ўзинга ур...

Ҳа, нега додлайсан Умрзоқ қассоб?  
Сўкинасан..  
Қўлингни пичоқ тилса,  
бошқалар айбдордек  
уларни уришасан,

Агар билсанг —  
Айб ўзингдадир:  
Қўйни бўғизлаётган одам  
Эҳтиёт бўлади-да, ахир,

## Бола тарбияси

Гултувак нима?  
Сопол-да, ичига тупроқ солинган.  
Гултувак нима?!  
Гуллар ўсадиган жойда, дада..  
Гултувак нима?!  
Табиатнинг жонли бўлаги..  
Балли, шундай дея ўрганган, болам,

## Орзиқиб кутиладиган ҳамсуҳбат

Қитобингнинг орасида  
бир дона япроқ,



Қуриб қолган, сариқ тортган  
                        бир дона япроқ,  
Ҳар сафар менга шуни  
                        кўрсатасан  
Ва ҳар сафар ишқий хотираларинг  
                        сўзлаб берасан.  
Ва ҳар сафари мен  
                        сен айтаётган толларнинг  
                        кесилиб кетганини  
                        аниқ билсам-да,  
                        индамайман атайин,

### **Тўзонли дунё**

Сенинг қўлларинг ифлос,  
Унинг эгнига  
                        лой тегибди.  
Ановининг гарди бор экан қалбида,  
Бу ўзи шундай  
                        тўзонли дунё экан аслида,

### **Вокзалларга кирсам**

Вокзалларга кирсам  
                        одамлар  
Неча йиллардан бери  
                        поезд кутиб  
                        ўтиргандек  
                        туюлади менга.

### **1941 йилги**

#### **ҳарбий чақириқлар**

Аввалига отам кетди,  
Сўнгра катта акам.  
Кейинги чақириқда  
Кичигига навбат етди...  
Уртанчаси хизматда эди  
Ушғ ёқда қолиб кетди...

## **Халфа момонинг сигири**

Тунда

ўз арқонига —  
ўзи ўралиб  
ўлиб қолибди

Халфа момонинг сигири.

Буни эшитиб,

Момонинг аҳволини  
билганлар кампирга ачинишди,  
билмаганлар эса сигирга.

**Сабр косасини тўлдириш**

Тош ташлайман дарёга,

Дарё суви

бир оз тошгандай туюлади.

Яна бир тош ташлайман дарёга...

**Қаттиқ боғланмоқ**

Кўзларимни юрсам

кўз олдимда пайдо бўласан.

Кўзларимни юммасам ҳам

кўз олдимда тураверасан.

**Айний бошламоқ**

Нега унинг сочлари

сеникидан қуюқроқ туюлади?!

Нега унинг овози

сеникидан майинроқ эшитилади?!

Ва нега у

учовимиз нонушта қилаётганимизда  
овқатини чапиллатмасдан ейди.

**Эгасига боғлиқлик**

Оҳ, Ватан — деди буюк бир одам

Ва унинг бу сўзи —

минг хил маъно касб этди.

Оҳ, Ватан,— деди бошқа бир одам  
Ва унинг сўзини  
дайди шамол илиб кетди.

### **Чамамда**

Қўлларимни юваман,  
кир бўлади яна,  
Қўлларимни юваман,  
кир бўлади — мана.  
Шундай қилиб бутун умрим  
Қўл ювмоқ билан ўтар чамамда.

### **Алданмоқ**

Тўрт томчи ёмғирдан  
дунёни сув босди деб ўйловдингми,  
бечора чувалчанг,

Ер юзасига чиқибсан...

Энди...

Гарчи кўплар

сенга нисбатан «маҳкум» сўзини  
ишлатмоқни жоиз эмас,  
деб ўйласалар ҳам  
тамоман ўлимга маҳкумсан.

### **Яқинлик**

Йўқ!

Кулгимни қистатган нарса

Сенинг кўрсатаётган

йўл-йўриқларинг эмас,

Мен шунчаки «насиҳат»нинг

«Васият»га қофия келишини

ўйладим, холос.

### **Олтинчи сезгининг зарари**

Менинг тагдор гаплар

айтаётганимни сезиб

**Елгон пўписа ила**

сўйладинг:

Биламан сиз эркакларни

ҳаммангизнинг зувалангиз

бир жойдан олинган.

Ўзингга ярашмаган нозу-карашмангдан

Ҳафсалам пир бўлиб

ўйладим.

Биламан бу аҳмоқ хотинларни

ҳаммасининг зуваласи

бир жойдан олинган.

### **Тунги боғда**

Нимадир шитирлар боғда,

Қўрқма, дейман севгилимга.

Қўлини маҳкамроқ ушлайман,

Юрагим «дук-дук» уради,

Вақт муаллақ туриб қолади

Менинг тепамда.

### **Жумбоқ**

Бемор шифо топди,

Кўрга ҳасса топилди,

Муҳаббатнинг ўрни тўлди —

Йўқотиш бормиш умуман?

### **Ошиқ одамнинг йўли**

Дунёда ҳамма йўллар

Римга олиб боради дейишади.

Ҳайронман,

Нима ўша Рим

Сизларнинг кўчага жойлашганми?!

### **Елғизлик**

Кимдир тушини

жуфтига айтади

Қимдир эса  
анҳор сувиға..

Эски сир

Иккимизни  
боғлаб турган  
бирдан-  
бир  
тугун.

Юпаниш учун  
айтиладиган гап

Бир одам харсангтош  
бирови хасми?  
Бир оний лаззатнинг  
маҳсули эмасми?!

## ТЎРТЛИҚЛАР

Дединг: тўртликларинг сувга саломдан фарқи йўқ,  
Услубинг эскича асти Хайёмдан фарқи йўқ.  
Хайём бир байрамни ёзибди, мен-чи, бошқасин,  
Ким айтмишким, айёмнинг айёмдан фарқи йўқ.

\* \* \*

Порага чўзилган қўлингни юлсам,  
Ўрнига тирноқли ит панжа илсам,  
Тепангдан пул учун тешик очсам-да,  
Жисмингдан киройи бир пулдон қилсам.

\* \* \*

Нокнинг пушти гуллари гўзал,  
Қўклам ёруғ тунлари гўзал,

Сен ёнимда бўлсанг менга, бас,  
Йилнинг барча кунлари гўзал.

\* \* \*

Узоқ сукунатдан қаттиқ қўрқаман,  
Қўрқаман юрагим ҳовучлаб тугиб,  
Узоқ айрилиқдан қаттиқ қўрқаман,  
Қўрқаман кетсанг-а, мени унутиб.

\* \* \*

Бир нафас эслайман тонглар отганда,  
Бир нафас эслайман тунлар ётганда,  
Бир нафас эслайман бўлганимда шод,  
Бир нафас эслайман ғамлар тортганда.

\* \* \*

Сен севдинг, мен севдим жуфт бўлди пайдо,  
Лаб ширин, дил хушнуд, кўзларда ибо,  
Чарх айланди,— дилу кўзларда ғазаб,  
Лаблар қарши сўзлар менга! Ажабо!

\* \* \*

Етар! Тунлар нидо чекиш қолмади,  
Туғёнларга ҳеч қизиқиш қолмади,  
Неки нопок бўлса барини қилдик,  
Иш қолмади бас қизиқ иш қолмади.

## МУНДАРИЖА

Кенгликлардан . . . . .	3
Амударёга . . . . .	3
Ўзбекистон . . . . .	4
Бердақнинг ўз халқига васияти . . . . .	5
Шеърятда тетапоя қадамлар . . . . .	6
Икки муаллим . . . . .	6
Инсон . . . . .	7
Тўртлик . . . . .	8
«Сен тепада туриб...» . . . . .	8
Вақтни дори дерлар . . . . .	8
Ҳолат . . . . .	10
Бир ой ичида . . . . .	10
«Мен Дурбекни ҳурмат қиламан» . . . . .	12
Мушкул масала . . . . .	13
«Кўзларим...» . . . . .	13
Куз . . . . .	14
Ўзбекистонда пахта терими. 1982 йил . . . . .	14
Ғайриоддий воқеа . . . . .	15
Эртага . . . . .	15
«Саробга...» . . . . .	16
Қадим ва келажак . . . . .	16
Қўқонлик танишимга жавоб . . . . .	17
Руҳий куч ҳақида . . . . .	19
Жалолиддин Мангубердиннинг сўзи . . . . .	20
Улуғбек ўлдирилган тун . . . . .	21
Махтумқули . . . . .	21
Ойнанинг айниши . . . . .	22
Қафасдаги қуш . . . . .	22
Хотира . . . . .	23
Афғонистонга кетаётган аскарнинг севгилисига айтган- лари . . . . .	23
Эски ва янги йиллар оралиғида . . . . .	24
Яшил йўлкада . . . . .	25
Дилдор исмли қизга ҳазил . . . . .	25
«Ялтирайди...» . . . . .	25
Дам олиш уйида охириги кун . . . . .	26
Мажбурий эркинлик . . . . .	27
«Бу кунлар...» . . . . .	27
Суврат . . . . .	28
Шоирнинг бир кечаси . . . . .	29
Ҳолатлар . . . . .	29

Жанг олдидан . . . . .	30
Туш . . . . .	31
Усмон Носирнинг сўнги ёзи . . . . .	31
Ёруғлик истаги . . . . .	32
Йўлда вафот этган шоир хотирасига . . . . .	33
Ерда яшаш учун кўнгилни тўқлаб. . . . .	33
Тўртликлар . . . . .	34
Бобил минораси ( <i>туркум</i> ) . . . . .	35
Тўртликлар . . . . .	45

Литературно-художественное издание

ХАЙИТБАЙ АБДУСАДИК

СТРЕМЛЕНИЕ К СВЕТУ

С т и х и

Художник Т. Шоймардонов

Ташкент, издательство «Ёзувчи»

*На узбекском языке*

Адабий-бадний нашр

ҲАЙИТБОЙ АБДУСОДИҚ

ЁРУҒЛИК ИСТАГИ

Ш е ъ р л а р

Муҳаррир А. Қутби дннов. Расмлар муҳаррири А. Мамажонов  
Техн, муҳаррир Н. Сейдуалиева Корректор Ш Ҳасанов.

ИБ №4346

Босмаҳонага берилди 16.05.90. Босишга руҳсат этилди 14.11.90.  
Формати 70×90/32. Босмаҳона қоғози № 2 Адабий гарнитурга.  
Юқори босма. Шартли босма л. 1,75. Шартли кр.— отгиск 1,9.  
Нашр л. 1,79. Тиражи 10000. Заказ 1373. Баҳоси 20 т.  
Шартнома. 201—89

«Ёзувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ШЖ давлат матбуот комитети «Матбуот» матбаа иш-  
лаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент — 700129.  
Навоий кўчаси, 30